


Э.Ё. ХОЖИЕВ

**ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ
ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА
МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**





339.13
Х40


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Э. Ё. ХОЖИЕВ

ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ
ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА
МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Монография)



ТОШКЕНТ – 2023

УЎК: 339.564:634.21

КБК 65.290

X 70

Э.Ё. Хожиев. Ўрик маҳсулотлари экспортини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш. (Монография). –Т.: «Ilm-fan va innovatsiya», 2023, 148 бет.

ISBN 978-9910-779-22-0

Мазкур монография ўрик маҳсулотлари экспортини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда маркетинг тадқиқотларининг илмий ва назарий асослари Ўзбекистонда етишириладиган ўрик маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш ва унинг географиясини кенгайтиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўрик маҳсулотлари экспортини ошириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, Ўзбекистоннинг ўрик маҳсулотлари бўйича экспорт фаолияти таҳлили, Ўзбекистонда маҳаллий маҳсулотлар экспорти бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти, ўрик маҳсулотлари бўйича экспортни оширишда стандарт меъёрларига мослиги бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ҳалқаро бозорларда ўрик маҳсулотларини экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг корхоналар экспорт фаолиятига таъсири, ўрик маҳсулотларини экспортга йўналтиришда стандарт талабларига мослаштиришни баҳолаш ва уни амалга ошириш йўллари ҳамда Ўзбекистонда ўрик маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳиятини оширишни эконометрик прогнозлаш каби масалалар тадқиқ этилган.

УЎК: 339.564:634.21

КБК 65.290

Такризчилар:

Ш.Дж.Эргашходжаева – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;

Л.Т.Абдухалилба – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Маркетинг” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари номзоди.

Ушбу монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2023 йил 31 майдаги 10-сонли қарори асосида нашр қилинди.

ISBN 978-9910-779-22-0

© «Ilm-fan va innovatsiya» нашриёти, 2023.

КИРИШ

Жаҳонда озиқ-овқат, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маркетинг тадқиқотларидан фой-даланиш тобора кенг тус олмоқда. «Маркетинг тадқиқотлари учун глобал миқёсда топ компаниялар томонидан 277,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланмоқда»¹. Иқтисодий мураккаблик обсерваторияси (ОЕС)нинг 2019 йилги статистик маълумотларига кўра, дунёдаги ўрик ва қутилилган ўрик маҳсулоти савдо айланмаси 837 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. COVID-19 пандемияси натижасида ўрик маҳсулотлари бозори 2020 йил якунига келиб 824 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу боис, жаҳон ўрик маҳсулотлари экспортини ошириш, истиқболли бозорларни топиш ва маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари томонидан глобал бозорда рақобат устунлигини таъминлашнинг асосий стратегияси сифатида кўшимча қиймат яратиш манбай бўлган маркетинг тадқиқотларига эътибор қаратилиб, экспорт ҳажмини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, маркетинг тадқиқотлари асосида ўрик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт ҳажмини ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, глобал брендларни яратиш, истеъмолчилар мойиллигини ошириш, маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш, глобал брендлар билан рақобатлаша олувчи маҳал-лий брендлар яратиш, рақамли маркетингнинг коммуникация каналларидан самарали фойдаланиш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳондаги нуфузини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

¹ <https://startuptalky.com/how-much-money-do-companies-spend-on-research/>

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегиясида «Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш, экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш, ташки бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машхур брендларни жалб қилиш, хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистондаги ўрик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қайта ишлаш, сақлаш ҳамда экспорт қилиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш, COVID-19 пандемияси муносабати билан жорий этилган чекловларнинг оқибатларини юмшатиш, жаҳонда бўлаётган иқтисодий ва сиёсий нобарқарор вазиятда экспорт ҳажмлари ўсиш суръатларини сақлаб қолишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш ва маҳсулотларнинг қийматини ошириш бўйича мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаслик уларнинг маркетинг фаолиятида янги ёндашувлар, воситалар ва маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишини талаб этади.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони.

йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сон “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 14 мартағи ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласи.

I БОБ. ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Маркетинг тадқиқотлари ҳакида тушунча, унинг мазмуни, турлари

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ва дунё бозорида ўзбек маҳсулотлари брендини танитиш борасида ислоҳотларни жадал давом эттириш, уларни янги замонавий босқичга кўтариш ҳамда худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш мақсадида 2022 йилда “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Президент фармонининг қабул қилиниши монографиянинг долзарблигини оширишга хизмат қиласди.

Президентимиз Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича маъruzасида “Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти 1,7 баробар оширилиб, 2026 йилда 30 миллиард долларга етказилиши, экспорт таркибида хомашёнинг улуши ҳозирги 46 фоиздан 23 фоизга камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми 2,5 баробар кўпайиши, бунга эришиш учун эса, аввало, иқтисодиётда илм ва инновацияларга асосланган ривожланиш ҳисобидан янги технологиялар ва кўшилган қиймат занжирларини кўпайтириш орқали меҳнат самарадорлигига туб ўзгаришлар қилишимиз шарт” деб таъкидлаган эди.³ 2021 йилнинг ноябр ойида Янги сайланган

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 9 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги Янги Ўзбекистон стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича маърузаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимиға бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидағи нутқида “Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифамиз бўлиб қолади”⁴ деган вазифалари тадқиқотчилар учун ҳам йўл харитаси сифатида қабул қилишимиз керак. Шу сабабдан бизнинг ўтказилган илмий тадқиқотларимиз юкорида кўрсатиб ўтилган вазифанинг бир қисмини амалга оширишга, яъни, биринчи навбатда маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандарт талаблари асосида ишлаб чиқариш, уларни рақобатбардошлигини таъминлаш, таниклилик даражасини ошириш, иккинчидан эса, экспортни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантириш, унинг ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш, ушбу мақсадларда мавжуд ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш коронавирус пандемияси муносабати билан жорий этилган чекловларнинг оқибатларини юмшатиш имконини бериш борасида илмий-амалий изланишлар олиб бориш куннинг долзарб вазифасидир.

“Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитасида” озиқ-овқат хомашё базасини кенгайтириш ва органик маҳсулотлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражасини 28 фоизга етказиш белгиланган. Мазкур вазифаларга мувофиқ мева-сабзавотчилик соҳасини, жумладан, ўрик маҳсулотларини етишириш ва қўшимча қиймат занжирини яратиш бўйича уларни халқаро

⁴ Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимиға бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидағи нутқи.

стандарт талабларига кўра етиштириш, рақобатдошлигини ва экспорт ҳажмини барқарор ошириш мақсадида экспорт қилувчи ташкилотлар билан салоҳиятли хорижий харидорлар ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, унинг самарали фаолият кўрсатиш механизми, жумладан, маркетинг тадқиқотларини олиб боришига эътиборни қаратиш долзарб аҳамиятга эга.

Маркетинг тадқиқотлари деганда ахборот йиғиши, уни изоҳлаш, маркетинг хизматлари ва корхона раҳбарияти учун уларнинг маълум бир йўналишда маркетинг тадқиқотини ўтказиш бўйича буюртмалари асосида бажариладиган баҳолаш ва прогноз қилиш ҳисоб-китоблари тушунилади.

Шунингдек, маркетинг тадқиқотлари маълумотларни гурухлаш, уларни қайта ишлаш, саралаш, бирламчи маълумотлардан фойдаланган ҳолда иккиласми маълумотларни шакллантириш, маркетинг хизматлари ва корхона раҳбарияти учун уларнинг буюртмалари бўйича бажариладиган баҳолаш ва башорат ҳисоб-китобларига айтилади. Илмий адабиётларда “маркетинг тадқиқотлари” иқтисодий атамасига турли хил муносабат билдирилган. Масалан, Филип Котлер “Маркетинг тадқиқотлари муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, модел қуриш ва такомиллаштирилган қарор мақсади яратиш ва товарлар ва хизматлар маркетинги назорат қилишда далилларни топиш”⁵ деб таърифлаган. Дэвид Аакер эса “Маркетинг тадқиқотлари тизимли, объектив ва маркетинг бўйича соҳадаги ҳар қандай муаммога тегишли далилларни ҳар томонлама излаш ва ўрганиш”⁶ деб таъкидлаган. Қолган муаллифларнинг маркетинг тадқиқотларига берган таърифлари 1.1-жадвалда келтирилган.

⁵ Котлер Ф. Маркетинг от А до Я. 80 Концепции, которые должен знать каждый менеджер. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2014-211с.

⁶V. Kumar, Robert P. Leone, David A. Aaker, George S. Day. Wiley, 2018.

1.1-жадвал

“Маркетинг тадқиқотлари” түшүнчеси таърифларини тизимлаштириш⁷

т/р	Муаллифлар	Маркетинг тадқиқотлари таърифи
1.	Америка маркетинг ассоциацияси	Маркетинг тадқиқотлари – бу истеъмолчи, мижоз ва жамоатчилердин ахборот орқали сотувчи билан боғлайдиган функциядир. Маркетинг тадқиқотлари корхонадаги муаммоловини ҳал килиш учун зарур бўлган маълумотларни белгилайди, маълумот тўплаш усулини ишлаб чиқади, маълумотларни йигиш жараёнини бошқаради ва амалга оширади; таҳлил ва натижалар топилмалар ва уларнинг оқибатларини билдиради.
2.	Британия энциклопедияси	Маркетинг тадқиқотлари – маркетинг муаммоловини ҳал килишда илмий усулни қўллаш иловаси сифатида қўлланилади. У одамларни харидор сифатида, сотувчи ва истеъмолчини, уларнинг муносабати, афзалликлари, одатлари ва сотиб олиш қобилиятини ўрганади. Шунингдек, у тарқатиш, рағбатлантириш ва нархларни белгилаш каналлари ҳамда сотиладиган маҳсулот ва хизматлар дизайнни билан боғлиқ. Маркетинг тадқиқотларидан маълум бир частотада фойдаланмайдиган тижорат фаолиятининг деярли бир шакли мавжуд бўймаса-да, у ишлаб чиқаришда ўзининг энг кенг қўлланилишини топади.
3.	Кларк	Маркетинг тадқиқотлари – маҳсулотни, маҳсулот дизайнни, бозорлар ва жисмоний тақсимот ва омборхона, реклама ва савдо бошқаруви сифатидаги трансфер фаолиятини чукур ўрганиш.
4.	Гарри Гапнер	Маркетинг тадқиқотлари – маркетинг ишларини бошқариш, йигиш, қайд этиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ муаммоловини барча фактлар, товарлар ва хизматларни ўтказниш ва ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига сотиш, барча тадқиқотларни қамраб олувчи атама учун амалга оширилган тадбирларни ўз ичига олади.
5.	Залтман Г. Бургер П.	Ахборотга бўйлан эктиёж диагностикаси, тегишли ва кимматли маълумот тўпландиган, қайд этиладиган ва таҳлил қилинадиган ҳамда ўзаро боғлиқ ўзгарувчини танлаш.
6.	Токарев Б.Е.	Маркетинг тадқиқотлари табиий равишда бозор ноанисиги ва инновацион маҳсулотларни бозорга жойлаштириш рискини камайтириш имкониятларини топишга қаратилган фаолият.

⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

т/р	Муаллифлар	Маркетинг тадқиқотлари таърифи
7.	Ричард Д.Крисп	Маркетинг тадқиқоти – бу маркетинг соҳасидаги ҳар қандай муаммога тегишли фактларни тизимли, объектив ва ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва ўрганиш.
8.	Деленс А.Х.	Ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига товарларни ўтказишини ўз ичига олган ҳар қандай бизнес фаолиятига таъсир қилувчи барча омилларни тизимли ва узлуксиз ўрганиш ва баҳолашга маркетинг тадқиқотлари дейилади.
9.	Паул Гресс ва Доналд Тулл	Маркетинг соҳасидаги ҳар қандай муаммони аниқлаш ва ҳал қилиш учун тегишли маълумотларни таҳлил қилиш учун тизимли ва объектив изланишдир.
10.	Стантон Ж.	Қарор қабул қилишни осонлаштириш учун маркетинг муаммолари тўғрисидаги маълумотларни тизимли йиғиш, қайд этиш ва таҳлил қилиш.
11.	Паркер Холмс	Маркетинг тадқиқоти – бу маркетинг муаммоларини ўрганишда илмий усуслар ва тартибларни кўллаш, бошқарув қарорлари ва сиёсатларини шакллантириш учун бошқарувни ҳақиқий маълумот билан таъминлаш.
12.	Вентз	Маркетинг қарорларини қабул қилишда бошқарувга ёрдам бериш учун маълумотларни тўлапи ва таҳлил қилиш. Ушбу қарорлар фирманинг нархлари, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва маҳсулот ўзгарувчилари билан манипуляциясини ўз ичига олади.
13.	Эргашходжаева Ш.Дж.	Маркетинг тадқиқотлари деб ахборотни тўплаш, уни изоҳлаш, маркетинг хизматлари ва firma раҳбарияти учун уларнинг буюртмалари бўйича бажариладиган баҳолаш ва башорат ҳисоб-китобларига айтилади.
14.	Голубкова Е.П.	Маркетинг тадқиқотлари – маркетологларни маълумотлар орқали бозор, истеъмолчилар, рақобатчилар ва маркетинг мухитининг бошқа ташки элементлари билан bogлаш функциясидир.
15.	Багиев Г.Л. Тарасевич В.М.	Исталган бизнес ва маркетинг фаолиятидаги жараён ва вазифалар билан унинг асосий элементи каби шартланган маркетинг қарорларини қабул қилишда маълумотларни йиғиш ва умумлаштиришга қаратилган барча фаолиятдир.
16.	А.П.Панкрухин	Ҳар қандай маркетинг тадқиқотларнинг объектив ҳақиқатни ўрнатиш эмас, балки бозор ҳолатининг ноаниқлик даражасини пасайтириш ва шу аснода – бизнес хавф даражасини ҳамда йўқотишларни пасайтиришдан иборат.

т/р	Муаллифлар	Маркетинг тадқиқотлари таърифи
17.	Тюрин Д.В.	Маркетинг тадқиқотлари – бу ахборотни түплаш, қайта ишилаш ва таҳлил қилишнинг узлуксиз жараёни тайёрлаш мақсадида корхонанинг ташкии ва ички мухити ҳақида ноаниқиқ шароитида самарали стратегик ва тактик бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича тавсиялар.
18.	Ражендра Н.	Баъзи саволларга аниқ жавоб излаш, агар жавоб топилса, компаниянинг стратегик ёки тактик даражада мухим бозор қарорларини қабул қилишга олиб келади.
19.	Нареш К. Малхотра	Маркетинг тадқиқотлари – бу маркетингдаги муаммолар ва имкониятларни аниглаш ва ҳал қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишни такомиллаштириш мақсадида маълумотларни тизимли ва объектив аниглаш, түплаш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш.
20.	Паурав Шукла	Маркетинг тадқиқотлари – маркетинг қарорларини қабул қилишнинг мухим қисмидир; тегишли, тўғри ва ўз вақтида маълумотларни тақдим этиш орқали бошқарув қарорларини қабул қилишни яхшилашга ёрдам беради. Ҳар бир қарор маълумотга бўлган ўзига хос эҳтиёжларни келтириб чиқаради ва маркетинг тадқиқотлари натижасида тўплланган маълумотлар асосида тегишли стратегиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

ICC/ECOMAR (Халқаро тиҷорат маркази, Европа фикр ва маркетинг жамияти) Халқаро кодексида маркетинг тадқиқотлари атамасига “Ижтимоий тадқиқотлар ва жамоатчилик фикрини ўрганишни ўз ичига олган маркетинг тадқиқотлари амалий ижтимоий фанлар томонидан қўлланиладиган статистик ва таҳлилий усуслар ва ёндашувлардан фойдаланган ҳолда шахслар ёки ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни тизимли равишда йигиш ва қайта ишилаш” деб тарифланган⁸.

Кўпинча маркетинг тадқиқотлари бошқа шахснинг фойдаланиши учун маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш сифатида тор маънода кўриб чиқилади. Бирок, фирмалар маркетинг тадқиқотлари натижасида ҳосил бўлган бозор маълумотларидан

⁸ Международный кодекс ICC/ESOMAR по практике проведения маркетинговых и социальных исследований, изучения общественного мнения и анализа данных.

ижодий фойдаланиш орқали ҳақиқатда рақобатдош устунликка эришишлари ва уни сақлаб қолишлари мумкин. Демак, маркетинг тадқиқотлари фақат қабул қилинган қарорларни баҳолаш эмас, балки қарорлар учун маълумот киритиш сифатида белгиланади. Бироқ, фақат бозор тадқиқотлари мувафғақиятга кафолат бермайди; тўпланган маркетинг тадқиқотлари маълумотларини чукур таҳлил қилган ҳолда фойдаланиш бизнес муваффақиятининг қалитидир. Рақобат устунлиги маълумотга эга бўлган ёки йўқлигидан кўра кўпроқ маълумотдан қандай фойдаланишга боғлик бўлади.

Маркетинг тадқиқотларини олиб боришда мижозларни тушуниш ва энг муҳими, улар кимлигини, маҳсулот ёки хизматлар нуқтаи назаридан нимани хоҳлашларини, улар қандай ва қаерда мавжуд бўлишини, етказиб берилишини ҳамда уни қандай нархда сотиб олишларини аниқлаш энг муҳим қарор мезонларидан эканлигини маркетолог билиши керак. Бироқ, улгуржи ва чакана сотувчиларнинг глобаллашган ва жуда мураккаб тизими туфайли маркетологлар ва уларнинг кенг тарқалган истеъмолчилари ўртасида тўсиқ пайдо бўлади. Шунинг учун кўпчилик маркетологлар ўз мижозларидан – якуний таҳлилда ташкилотнинг фаолияти муваффақиятли ёки муваффақиятсизлигини аниқлайдиган шахслардан узоқда бўлади.


Дунё бўйлаб ташкилотлар ҳар беш йилда ўз мижозларининг ярмини йўқотадилар. Аммо кўпчилик маркетологлар бу дефекторлар нима учун кетганини ўрганишга интилиб, бу фактни тўғридан-тўғри ҳал қила олмайдилар.⁹ Ташкилотларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи мижозларнинг юқори эҳтиёжларини кондира олмайди, чунки уларнинг мижозлари ҳақиқатдан ҳам нимани хоҳлашлари ҳақидаги тасаввурлари ҳақиқатдан узоқдир. Бу ўринда компаниялар мижознинг эҳтиёжлари ҳақида қайғур-масликлари учун эмас, балки нотўғри маъно билан нотўғри мақсадга эришишга

⁹ Paurav Shukla. Marketing research. Ventus Publishing ApS, 2008.

ҳаракат қилишади. Күпинча компаниялар нима нотұғри бўлған-лигини аниклаш учун тадқиқот ўтказадилар. Фактдан кейинги тадқиқот дунёда энг кенг тарқалган тадқиқот тури ҳисобланади.¹⁰

Юқоридаги муҳокамадан шуни кўриш мумкинки, маркетинг тадқиқотлари ташкилотларга турли хил қарорлар қабул қилиш жараёнларида ёрдам бериши билан бир қаторда, уларни иккита алоҳида йўналишга бўлиш мумкин; (а) муаммоларни аниклаш бўйича тадқиқотлар ва (б) муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар. Муаммони аниклаш бўйича тадқиқот сиртда кўринмаслиги шарт бўлган (эҳтимол), аммо мавжуд ёки келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни аниклашга ёрдам бериш учун амалга оширилади. Бошқа томондан, муаммони ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар муайян тадқиқот муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериш учун олиб борилади. Муаммони ҳал қилиш бўйича тадқиқот бозор салоҳияти, бозор улуши, бренд ёки компания имиджи, сотиш таҳлили, қисқа муддатли прогнозлаш, узоқ муддатли прогнозлаш, бизнес тенденцияларини ўз ичига олади.

Кўйидаги расмда муаммоларни аниклаш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича тадқиқотлар таснифи келтирилган.



1.1-расм. Маркетинг тадқиқотлари классификацияси¹¹

10 Malhotra N. Marketing research: An Applied Orientation. New Jersey, Pearson Education, 2004.

11 Paurav Shukla. Marketing research. Ventus Publishing ApS, 2008; Malhotra N. Marketing research: An Applied Orientation. New Jersey, Pearson Education, 2004.

Маркетинг тадқиқотларини таснифлаш тадқиқотларни назарий ва амалий нұқтаи назардан түшунишимизга ёрдам беради. Үз навбатида, тадқиқот лойиҳаси бир вақтнинг ўзида муаммони аниклаш ва муаммони ҳал қилиш бўйича тадқиқотни ўз ичига олиши мумкин.

Маркетинг тадқиқотлари олиб борадиган компаниялар ўртасида ўтказилган сўров шуни кўрсатди, уларнинг 97 фоизи бозор салоҳияти, бозор улуши ва бозор хусусиятлари бўйича маркетинг тадқиқотини ўтказишлари тўғрисида жавоб берганлар. Респондентларнинг қарийб 90 фоизи тадқиқот муаммони аниклашнинг бошқа турларидан фойдаланаётганликларини ҳам таъкидладилар. Ушбу турдаги тадқиқотлар маркетинг муҳити ҳақида маълумот беради ва муаммони аниклашда ёрдам беради. Мисол учун, бозор потенциалининг пасайиши фирманинг ўсиш мақсадларига эришишда муаммо эҳтимоли борлигини кўрсатади. Шунингдек, агар бозор потенциали ортиб, фирма ўзининг бозор улушкини йўқотса, бу ҳам фирманинг маркетинг фаолиятида муаммо мавжуд эканлигини кўрсатади. Муаммо аниқлангандан сўнг, муаммони ҳал қилиш бўйича ечимга келиш учун тадқиқотлар олиб борилади. Қарор қабул қилишда муаммоли тадқиқот натижаларидан фойдаланилади ва бу муайян маркетинг муаммоларини ҳал қиласи. Аксарият компаниялар муаммоларни ҳал қилишга қаратидган тадқиқот билан шуғулланадилар.¹² 1.2-жадвалда муаммони ечиш йўли билан ҳал қилинадиган ҳар хил турдаги масалалар билан бир қаторда сегментация, маҳсулот, нархлаш, реклама ва тарқатиш тадқиқотлари келтирилган.

12 Naresh K.Malhotra. Marketing research. An applied orientation 6th edition. Prentice Hall, New Jersey, 2010.

1.2-жадвал

Муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқот

Маҳсулотни тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар

тест концепцияси
оптик маҳсулот дизайнни
қадоқлаш синови
маҳсулот модификацияси
брендни жойлаштириш ва қайта жойлаштириш
тест маркетинг
назорат дўкони синовлари

Маҳсулотни силжитиш тадқиқоти

оптимал реклама бюджети
сотиши рағбатлантириш муносабатлари
оптимал реклама микс
нусха кўчириш қарорлари
медиа қарорлар
ижодий реклама синови
шикоятларни асослаш
реклама самарадорлигини баҳолаш

Нархлар бўйича тадқиқотлар

товар танлашда нархнинг аҳамияти
нарх сиёсати
маҳсулот линияси нархлари
талабнинг нархга нисбатан эгилувчанлиги
нархнинг ўзгаришига муносабат

Дистрибуция тадқиқоти

дистрибуция турлари
канал иштирокчиларининг муносабатлари
улгуржи ва чакана қамровнинг интенсивлиги
канал майдони
улгуржи ва чакана савдо нуқталарининг жойлашуви

33	"TNA AGROINVEST" MCHJ	Тошкент вилояти	Қалампир, пиёз, помидор	361
34	"AGROSHERIFF-ASIA" MCHJ	Тошкент шахар	Помидор	15
35	"Agro Green Group Invest" MCHJ	Тошкент шахар	Руккола / Ракета (трава), Брокколи, Цветная капуста, Китайская капуста, Чеснок (травы), Кабачки, Латук, Петрушка	20
36	"Uz-Segang" MCHJ	Фарғона вилояти	Гилос	150
37	"REAL KABEL INVEST" MCHJ	Фарғона вилояти	Помидор	5
38	"VODIL AGRO BIZNES" FX	Фарғона вилояти	Ўрик, малина	20
39	"AGRO SERVICE ASIA" MCHJ	Фарғона вилояти	Помидор	8
40	"XUSHNUD" FX	Хоразм вилояти	Узум	5
41	"FE TEXTILE TECHNOLOGIES GROUP" MCHJ	Тошкент вилояти	Пахта, ловия, буғдой	1256
42	"ART SOFT HOLDING" MCHJ	Наманган вилояти	Пахта	26
43	"MEHRIGIYO" MCHJ	Фарғона вилояти	Доривор ўсимликлар	222
44	"AGRO PROCESSING GROUP"	Сурхондарё вилояти	Помидор	170
45	"BARAKA MEVA SANOAT SERVIS" MCHJ	Наманган вилояти	Каперс	528

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	6
1.1. Маркетинг тадқиқотлари ҳақида тушунча, унинг мазмуни, турлари	6
1.2. Ўрик маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	17
1.3. Хорижий мамлакатларнинг ўрик маҳсулотлари экспортини ошириш бўйича маркетинг тажрибаларидан фойдаланиш усуслари	29
Биринчи боб бўйича хulosा.....	41
II БОБ. ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ	43
2.1. Ўзбекистоннинг ўрик маҳсулотлари бўйича экспорт фаолияти таҳлили.....	43
2.2. Ўзбекистонда маҳаллий маҳсулотлар экспорти бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳолати таҳлили	56
2.3. Ўрик маҳсулотлари бўйича экспортни оширишда стандарт меъёрларига мослиги бўйича маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш.....	65
Иккинчи боб бўйича хulosা.....	79

ІІІ БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА МАР- КЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКО- МИЛЛАШТИРИШ	81
3.1. Халқаро бозорларда ўрик маҳсулотларини экспорт сало- хиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш самарадорлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари	81
3.2. Ўрик маҳсулотларини экспортга йўналтиришда стандарт талабларига мослаштиришни баҳолаш ва уни амалга ошириш йўллари	97
3.3. Ўзбекистонда ўрик маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳиятини oshireshni эконометрик прогнозлаш	108
Учинчи боб бўйича хулоса	117
МОНОГРАФИЯ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР	119
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	122

ХОЖИЕВ ЭЛШОД ЁҚУБ ЎҒЛИ

**ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ
ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА
МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Тошкент – «Ilm-fan va innovatsiya» – 2023

Муҳаррир:	М.Ҳайитова
Техник	
муҳаррир:	М. Турсунов
Мусаввир:	Ш. Зоҳидова
Мусаҳҳих:	Л. Ибрагимов
Компьютерда	
саҳифаловчи:	О. Каландаров

Нашр.лиц. № 4913-3160-38f4-4927-7ad7-2416-2546, 26.02.2021.

Босишга рухсат этилди 25.12.2023.

Бичими 70x100 1/16. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 10,0. Нашр босма табоги 9,25.

Тиражи 30. Буюртма № 80.